



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

**Бахтиёр Сайфуллаев<sup>1</sup>, Миролим Бердиқұлов<sup>2</sup>**

<sup>1</sup> ЎзР ФА Миллий археология маркази

<sup>2</sup> Самарқанд Давлат университети

**МАЧАЙ ҒОРИНИНГ МАДАНИЙ-ДАВРИЙ ТАЛҚИННИГА ДОИР:  
МЕЗОЛИТМИ ЁКИ НЕОЛИТМИ?**

**Резюме:** Мақола 1931-1933 йилларда Г.В. Парфенов томонидан, 1970-1971 йилларда Ў.И. Исломов томонларидан ўрганилган Сурхон воҳаси, Бойсун тумани, Ўрта Мачай қишлоғи ҳудудида жойлашган Мачай ғор маконининг маданий-даврий хусусиятларини тадқиқи хуносаларига бағишиланган. Мақолада, Мачай ғори археологик материаллари эзма техника ёрдамида чақмоқланган микроиндустриянинг, Ўрта Осиёнинг деярли барча неолит комплексларига хос бўлган суюқдан пардозлаш ёрдамида ишланган бигиз ва пардозлагичларнинг, хонакилаштирилган қўй-эчкilarнинг мавжудлиги ҳамда учириндилар ишлаб чиқаришнинг Ҳисор, Сазагон маданиятлари, шунингдек Қайнар-Камар ва Тўда-1 маконларидан сингари ишлаб чиқариш характерига эгалигини, бундан ташқари, ёдгорликнинг маданий қатламларидан олинган радикарбон саналарни ҳисобга олиб, илк неолит даври билан қайта саналаниши мақсаддага мувофиқ, деб топилган. Сурхон воҳасининг Бойсун тумани теграларида сопол ишлаб чиқаришгача бўлган илк неолит даврида алоҳида ва мустақил иккита маданият – Ҳисор (Мачай макони) ҳамда ягона маданиятга бирлаштирилган Қайнар-Камар ва Тўда-1 маконлари жамоалари ҳукм сурғанлиги аниқланган.

**Калит сўзлар:** Мачай, маданият, учиринди, индустря, нуклеус, микролит, пардозлагич, Тўда-1, Қайнар-Камар, Сурхон воҳаси, Бойсун, ишлаб чиқариш.

**Резюме:** Статья посвящается к заключениям исследований культурно-хронологических особенностей пещерной стоянки Мачай, расположенной в селе Урта Мачай, Байсунского района, долины Сурхандарьи и изученной Г.В. Парфеновым в 1931-1934 гг. и У.И. Исламовым в 1970-1971 гг. В статье предлагается из-за наличия микроиндустрии, расщепленной с помохи отжимной техники, отполированных проколок и лощила, характерных почти для всех неолитических комплексов Средней Азии, одамашнивавшего мелкорогатого скота, а также производственного характера производства отщепов, как это наблюдается на памятниках Гисарской, Сазаганской культур и стоянках Тода-1 и Кайнар-Камар, кроме того, учитывая результатов датирования по радиоуглероду целесообразность передатировать стоянку с эпохой раннего неолита. Выявлена, что на территории Байсунского района долины Сурхандарьи существовала две отдельных и самобытных культур поры раннего неолита до производства керамических изделий – общества Гисарской (стоянка Мачай) культуры, а также объединенных в единую культуру стоянок Кайнар-Камар и Тода-1.

1931 йилда Г.В. Парфёнов томонидан топилган Мачай ғори Сурхон воҳасида, Бойсун туманига қарашли Мачай дарёсининг (Турғандарё) ўнг соҳилида жойлашган (1-расм). Ёдгорликда қазишиш ишлари 1937-1938 йилларда Г.В. Парфёнов томонидан амалга оширилган. XX аср 30-йилларининг охирида ғорга М.Э. Воронец<sup>1</sup> ҳамда А.П. Окладников<sup>2</sup> ташриф буоришган ва бу ерда иккита маданий қатламни ажратганлар – мусте (қуий қатлам) ва мезолит (юқори қатлам) даврларига оид.

Форда қазишиш ишлари ва 1970-1971 йилларда Ў.И. Исломов томонидан амалга оширилган<sup>3</sup>. Ў.И. Исломов бу ердаги ҳар иккала қатламнинг ҳам бир даврга, мезолитга оидлигини исботлашга муваффақ бўлган<sup>4</sup>.

Форнинг материаллари орасида бой фаунистик қолдиқлар, тош ва суяк қуроллар мавжуд. Ў.И. Исломовнинг маълумотларига кўра<sup>5</sup>, маконда тош буюмлар ясаш учун хомашё сифатида асосан доломит ва қисман кремнийдан фойдаланилган. Ёдгорликнинг тош индустряси учун айрим галкали элементлар аралашган микролитли чақмоқлаш техникаси характерлидир. Етакчи тановорлар сифатида микропластинкалар ва ўрта ҳажмли пластиналардан фойдаланилган. Призматик, ёнлама, қозиқсимон ва бир зарб майдонли нуклеуслар типик ҳисобланади.

Тош қуроллари таркибида йўнилғилар учларида шакллантирилган ва латераллари ретушланган қирғиччалар, юмалоқ микроқирғиччалар, тухумсимон қирғичлар, кертикли қуроллар кўпроқ кўзга ташланади. Айрим кесгичлар, микротиғлар ва учлари тагиёнишли йирик тиғлар, галкали чопперлар, чоппинглар ва ҳ.к.лар учрайди.

<sup>1</sup> Воронец М. Э. Археологические исследования 1937—1939 гг. в Уз ССР. ВДИ, № 3-4 1940. Воронец М. Э. и Гулямов Я. Г. Первобытнообщинный строй. В кн.: История Узбекской ССР, Т. I, кн. I, ч. 1. Ташкент. 1955. С. 9.

<sup>2</sup> Окладников А.П. Следы каменного века в районе Термеза. В сб.: Термезская археол. экспедиции, Т. 2, Ташкент. 1945 С. 14.

<sup>3</sup> Исламов У.И. Пещера Мачай. Изд-во «ФАН», Ташкент. 1975. С. 175.

<sup>4</sup> Там же. С. 7.

<sup>5</sup> Там же. С. 34.

Суяқ қуроллари орасида бигизлар, тери пардозлагичлар, қадама қуроллар учун филофлар, пичоқлар, тақинчоқлар мавжуд. Ў.И. Исломов ёдгорликнинг Обишир маданияти билан ўхшашлиги ҳақида таъкидлаган<sup>6</sup>. Г.Ф. Коробкованинг фикрича, геометрик микролитларнинг йўқлиги, микропластиналар ва ўрта ҳажмли пластиналардан фойдаланилиши Мачайнинг қуроллари таркибини Марказий Фарғонанинг илк неолитга оид комплекслари билан яқинлаштиради<sup>7</sup>. Бир вақтнинг ўзида, галкали қуроллар ва суяқ буюмларнинг ёрқин коллекцияси Мачайни Марказий Фарғона комплексларидан ажратиб турари ва унга аналогияларни Марказий Осиёнинг галкали маданиятлари орасидан ахтаришга мажбур қиласди. Шундан келиб чиқиб, Мачай комплекси тош инвентарларининг характеристига кўра Ҳисор маданиятининг маҳаллий вариантига киритилиши мумкин. Айрим ўхшашликларига қарамасдан Мачайни соф мезолит комплексига эга Обишир маданияти билан яқинлаштириш учун асослар етарли эмас. Мезолит СССР жилдининг муаллифлари, Мачай индустрисини кўпроқ таркибида текислик ва ғор комплексларига эга бўлган Марказий Фарғона неолитига ўхшаб кетишини ва эҳтимол, Сурхондарёда ҳам бундай минтақавий хусусиятлар очилишини ва у ҳолда Мачай макони ғор неолитининг наъмунасига айланиши мумкинлигини<sup>8</sup>, таъкидлаганлар.

В.А. Рановнинг фикрига кўра<sup>9</sup>, Ҳисор маданиятининг маҳаллий вариантиларидан бири қаторига Мачай ғорини киритиш мумкин ва бу ҳудудда урушгача бўлган даврда ёқ ҳисор кўринишидаги айрим учириндилар топилган эди. Аммо, ушбу хулоса етарлича асосланмаган. Индустрисининг характеристига кўра, Мачай ғори ўзига хос хусусиятларга эга ва буни ёдгорликни ўрганган Ў.И. Исломов таъкидлаб ўтган<sup>10</sup>.

Мачай ғорининг хронологияси қиёсий-типологик таққослашлар ёрдамида аниқланади ва бу уни илк неолит даври билан саналаш имконини беради. Ғорни юқори қатламларидан олинган абсолют санаалар ( $C^{14}$  бўйича) ҳам шундан далолат беради: бугунги кундан  $7555 \pm 110$  минг йиллар аввал<sup>11</sup> ёки мил.авв. 5600 йиллар. Бу Жойтун ва Дарёсой комплексларининг ўрта босқичи ҳамда Ҳисор маданиятининг илк босқичига тўғри келади.

Ғор аҳолисининг хўжалигини чорвадор-овчи-теримчилик типида деб баҳолаш лозим. Унда хонакилаштирилган (қўй-эчкилар сукларининг мавжудлиги) ҳайвонларнинг суяқ қолдиқлари учрайди<sup>12</sup>. Шунингдек Мачай ғори қадимги аҳолисининг хўжалигида ҳали жайрон, тўнғиз, бўри ва бошқа ҳайвонларга ов қилиш ҳам катта рол ўйнаган.

Шундай қилиб, Мачайдарада (Бойсун тумани) жойлашган ва мезолит даври билан саналанган Мачай ғор макони<sup>13</sup> артефактлари орасида эзма чақмоқлаш техникиси ёрдамида синдирилган микропластиналар ҳамда неолит даврига оид силлиқланган

<sup>6</sup> Исломов У.И. Пещера Мачай. Изд-во «ФАН», Ташкент. 1975. С. 36.

<sup>7</sup> Коробкова Г.Ф., Массон В.М. Понятие неолит и вопросы хронологии неолита Средней Азии // КСИА. – 1978. С. 127. Исломов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. – Ташкент: ФАН Уз ССР, 1986. С. 10.

<sup>8</sup> Мезолит Азиатской части СССР. Археология СССР. Изд-во АН СССР (под редакцией Рыбакова). С. 127.

<sup>9</sup> Ранов В.А. 1985. Гиссарская культура. Мезолит СССР. М. 1984. С. 13.

<sup>10</sup> Исломов У.И. Пещера Мачай. Изд-во «ФАН», Ташкент. 1975. С. 29.

<sup>11</sup> Там же. С. 106.

<sup>12</sup> Батыров Б.Х. Fauna пещеры Мачай [Вопросы](#) археологии и морфология животных. Труды СамГУ. Самарканд, 1978. Вып. 351. -С. 20-29.

<sup>13</sup> Исломов У.И. Пещера Мачай. Изд-во «ФАН», Ташкент. 1975. С. 90.

сүяқ қуролларнинг ҳамда хонакилаштирилган ҳайвонларнинг учраши ёдгорликни мезолит эмас, балки неолит даври билан қайта саналаш имконини беради.

Маданий жихатдан Мачай гори материаллари келиб чиқиши Обишир маданияти билан боғлиқ, алоҳида Сурхондарё мезолит маданиятига киритилган<sup>14</sup>. Бундай маданиятни ажратиш учун Сурхон воҳасидан топилган Айритом, Қаттиқ-Қамиш 1-2, Газли-1, Эски Термиз ва х.к. йиғма материалларга эга топилмажойлар материаллари ҳам кўшилган ва улар Мачай гори буюмлари билан синхрон, деб ҳисобланган. Аммо, тилга олинган топилмажойларнинг тош буюмлари саналанмаган. Бу коллекцияларнинг айримларида йирик ҳажмли пластиналар, айрим қирғичлар ва шаклланиш характери номаълум бўлган ўйиб-кертиб ишланган қуроллар учрайди. Таъкидлаганимиздек, Мачай макони материалларининг санаси масаласи ноаниқ бўлган бир пайтда, бу топилмажойларнинг йиғма материалларини мезолит даври билан нисбий саналаш етарлича асосланмаган.

Мачай горининг маданий хослиги масаласида В.А. Рановнинг талқини ҳақиқатга яқинроқ кўринади. Негаки, маконнинг тош қуроллари орасида Ҳисор маданиятига хос бўлган чоппер ва чоппинглар учрайди.

Кейинги ўн йилларда Бойсун тумани теграларидан неолит даврининг бошларига оид Қайнар-Камар<sup>15</sup> ва Тўда-1<sup>16</sup> гор маконлари очиб ўрганилди. Ушбу ёдгорликларнинг тош индустряси бир-бирига ўхшаш ва шунинг учун ҳам ягона илк неолит даври маданиятига бирлаштирилиши мумкин.

Мачай гори комплексидаги архаик элементлар уни қадимиylаштирилишига асосий сабаблардан бўлган. А.П. Окладников томонидан маконнинг қуий қатламини мусте даври билан белгилаши шундан далолат беради. Кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотларга кўра<sup>17</sup> тоғли ва тоғолди неолит маданиятларининг (Ҳисор, Сазагон, Қайнар-Камар, Тўда-1 ёдгорликлари) архаик элементларнинг микроиндустриялар билан бирга учраши уларнинг асосий хусусияридан бири эканлиги аниқланди<sup>18</sup>.

Санаб ўтилган технокомплексларда учириндилар ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш характерига эга бўлган ва буни тишпламлардан топилган учириндилардан ишланган қирғичлар, тиҳсимон-кертикли қуроллар, тош бигизлар ва х.к.лар ҳамда учириндилар чақмоқлаб олишга мўлжалланган нуклеуслар сериялари исботлайди.

Калтаминон ва Марказий Фаргона маданиятларида ҳам учириндилар учрайди. Бироқ, уларда учириндилар ишлаб чиқариш кўпроқ технологик характер касб этган (нуклеусларни шакллнтириш, зарб майдонларини тайёрлаш ва янгилаб туриш ва х.к. фаолият турларида учириндилар чақмоқлаб олиш зарур бўлган). Ушбу маданиятлар ёдгорликлари индустряларида учириндилардан ишланган қирғиччалар серияларигина учрайди, холос.

<sup>14</sup> Там же

<sup>15</sup> Арипджанов О.Ю, Сулейманов Р.Х., Нишиаки Й., Сайфуллаев Б., Эргашев О., Наката Х., Араи С., Акаши Ч. Научный отчет о рекогносировочных работах в долине Мачай. Ташкент 2017 г. Ф.5, О.1, Д.247. -С. 1-20.

<sup>16</sup> Жо Синг, Сайфуллаев Б.Қ. //Грот Тода-1 - новый неолитический памятник на юге Узбекистана. Археология Узбекистана, № (2)17. Самарканд, 2018. -С. 147-156.

<sup>17</sup> Сайфуллаев Б.Қ. Ўтра Осиё неолит маданиятларининг айрим хусусиятлари. Ўзбекистон археологияси. 2020. №2 (21). -Б. 3-7.

<sup>18</sup> Ўша жойда

Мачай ғори тош индустриясида галкали қуролларнинг мавжудлиги уни яқин қўшни бўлган Қайнар-Камар ва Тўда-1 маконлари комплексларидан ажратиб турса, Ҳисор маданияти комплекслари билан яқинлаштиради.

Шундай қилиб, Мачай ғори археологик материалари эзма техника ёрдамида чақмоқланган микроиндустриянинг, Ўрта Осиёning деярли барча неолит комплексларига хос бўлган суюқдан пардозлаш ёрдамида ишланган бигиз ва пардозлагичларнинг, хонакилаштирилган қўй-эчкиларнинг мавжудлиги ҳамда учириндилар ишлаб чиқаришнинг Ҳисор, Сазағон маданиятлари, шунингдек Қайнар-Камар ва Тўда-1 маконларидағи сингари ишлаб чиқариш характерига эгалигини, бундан ташқари, ёдгорликнинг маданий қатламларидан олинган радикарбон саналарни ҳисобга олиб, илк неолит даври билан қайта саналаниши мақсадга мувофиқ.

Таъкидланганларда келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Сурхон воҳасининг Бойсун тумани теграларида сопол ишлаб чиқаришгacha бўлган илк неолит даврида алоҳида ва мустақил иккита маданият – Ҳисор (Мачай макони) ҳамда ягона маданиятга бирлаштирилган Қайнар-Камар ва Тўда-1 жамоалари хукм сурган.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Арипджанов О.Ю, Сулейманов Р.Х., Нишиаки Й., Сайфуллаев Б., Эргашев О., Наката Х., Араи С., Акаши Ч. Научный отчет о рекогносцировочных работах в долине Мачай. Ташкент 2017 г. Ф.5, О.1, Д.247.
2. Батыров Б.Х. Fauna пещеры Мачай // Вопросы археологии и морфология животных. Труды СамГУ. Самарканд, 1978. Вып. 351.
3. Воронец М. Э. Археологические исследования 1937—1939 гг. в Уз ССР. ВДИ, № 3-4 1940.
4. Воронец М. Э. и Гулямов Я. Г. Первобытнообщинный строй. В кн.: История Узбекской ССР, Т. I, кн. I, ч. 1. Ташкент.1955.
5. Жо Синг, Сайфуллаев Б.Қ. //Грот Тода-1 - новый неолитический памятник на юге Узбекистана. Археология Узбекистана, № (2)17. Самарканд, 2018.
6. Исламов У.И. Пещера Мачай. Изд-во «ФАН», Ташкент. 1975.
7. Исламов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. – Ташкент: ФАН Уз ССР, 1986.
8. Коробкова Г.Ф., Массон В.М. Понятие неолит и вопросы хронологии неолита Средней Азии // КСИА. – 1978.
9. Мезолит Азиатской части СССР. Археология СССР. Изд-во АН СССР (под редакцией Рыбакова). М. 1984.
10. Окладников А.П. Следы каменного века в районе Термеза. В сб.: Термезская археол. экспедиции, Т. 2, Ташкент. 1945.
11. Ранов В.А. 1985. Гиссарская культура. Мезолит СССР. М. 1984.
12. Сайфуллаев Б.Қ. Ўрта Осиё неолит маданиятларининг айrim хусусиятлари. Ўзбекистон археологияси. 2020. №2 (21).